

## Туркманистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифига доир

---



Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг тақлифига биноан Туркманистон Президенти Гурбангули Бердимуҳамедов 2015 йил 7-8 октябрь кунлари расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашувлар чогида Ўзбекистон ва Туркманистоннинг сиёсий, савдо-иктисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташриф якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Кўшма баёнотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидағи ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор хужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

[ЎзА](#)